Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 14 октябрь, шанба. №126. (21.889). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 октябрь куни АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДҲ давлатлари билан энергетика ва савдо соҳаларида ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Ян Калицки бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон ҳукумати АҚШ билан турли соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришга тайёр,— деди Президент Ислом Каримов учрашувда.— Зеро, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуддир.

Мамлакатимиз раҳбари Ян Калицки бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи мазкур имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлади ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига янги куч бағишлайди, дея умид билдирди.

Ян Калицки Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини айтди. У ўзи раҳбарлик қилаётган делегация айнан шу мақсадда Ўзбекистонга ташриф буюрганини қайд этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётгани ўзаро ҳамкорлик ривожига пухта замин бўлишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов ва Ю. Пайгин иштирок этди.

Қабул чоғида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

13 октябрь куни АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДҲ давлатлари билан энергетика ва савдо соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Ян Калицки бошчилигидаги делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодиётни ривожлантириш йўлида ташлаган дадил қадамлари ижобий натижалар бераётгани қайд этилди, АҚШнинг кўплаб йирик компаниялари Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорларига айланиб бораётгани таъкидланди.

Суҳбатда икки мамлакат ўртасида савдо ва энергетика соҳаларидаги ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов, Ю. Пайгин иштирок этди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда халқ хўжалигининг ўтган тўққиз ой мобайнидаги иш якунлари, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича олдинда турган вазифа ва чора-тадбирлар муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов бошқарди.

Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитасининг раиси Ў. Исмоилов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

12 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Америка Қўшма Штатларидан мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро муносабатлар миллий демократик институти вакиллари қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсади, жорий сиёсати ва амалий ишлари, хусусан, унинг парламентчилик фаолияти ҳамда ҲДП аъзоларининг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган туб ислоҳотларда иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Ошкоралик вазиятида ўтган мулоқотда биринчи котиб меҳмонларга муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан партиямизнинг нуқтаи назарини баён этди, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Делегация раҳбари Карен Кларк Халқаро муносабатлар миллий демократик институти ва унинг вакилларининг Ўзбекистонга келишидан кўзланган мақсад ҳақида гапирди, ўзаро мунтазам алоқалар ўрнатиш истагини билдирди.

Учрашувда Марказий Кенгаш котиблари И. Кочмарик ва Ҳ. Авезов ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Норихико ИКЕДА: «ЎРМОН БУ ҲАЁТ ДЕМАК...»

Азалдан шундай удум бўлган: оилада ўғил туғилса бунинг шарофати ила йигирма битта терак экилган. Боси ўғил катта бўлиб, йигирма бир ёшга тўлиб, эр йигит бўлганда тераклар ҳам дап қоматли паҳлавонлар мисол етилган. Фарзандини уйлаш дардида юрган ота-она эса теракни кесиб, уй қуриш қайғусига тушган. Ўғил билан баробар катта бўлиб йигирма бирга «кирган» дарахтлар энди шу йигит учун уй қуришга асқотган. Қани эди бу удумларимизга ҳозир ҳам амал қилинса, ўлкамиз ўрмонзорга айланармиди?

Дарвоқе, ўрмонзор... Аслида бу яшил бойликларсиз ҳаёт йўқ ҳисоб. Бу бир гап. Биз теварак-атрофни яшнатайлик, кўчат экайлик, боғ яратайлик, деб кўп гапирамиз-у, аслида бу шунчаки газета ёздию, радио гапирди бўлди-да, дегандек қуруқ гапга ўхшаб қолади. Ваҳолонки, республикамизда Давлат ўрмон қўмитаси деб номланган катта бир ташкилот борки, унинг шу кундаги ишлари диққатга лойиқ. Мазкур қўмита раиси Абдушукур Хоназаров билан учрашиб, япон экологлари ва ўзбек мутахассислари ўртасида тузилган ташкилот, унинг ишлари хусусида суҳбатлашиш ниятида эдик. Тасодифни қарангки, Марказий Осиё давлатлари ҳамда Монголия Республикаси ҳудудида аралаш ўрмонлар барпо этиш бўйича нодавлат ташкилоти тузган Япония Халқаро ноя алмашиш маркази директори Норихико Икеда жаноблари билан шу ерда учрашиш бахтига муяссар бўлдик. Бундай ҳолларда журналист халқи нима қиларди. Суҳбатдошини саволга тутади-да...

— Жаноб Икеда, Сиз раҳбарлик қилаётган марказ фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Аввало шуни таъкидлаш лозимки, бундан икки йил илгари ташкил этилган марказимиз нодавлат ташкилот ҳисобланади. Аслида ўрмонлар ташкил этишни, кўпчилик давлат ихтиёридаги иш деб ўйлайди. Биз — японларда бундай эмас. Чунки япон халқи кўп мамлакатлар, жойларга бориб ўрмонлар барпо этади. Бу бизда «халқ ҳаракати»дай оддий бир воқеа. Бундан ташқари агар бошқа давлатлар вакиллари келиб ўрмон барпо этса, уларга катта маблағ тўланиши керак бўлади. Биз эса маблағ сўрамаймиз, аксинча лозим бўлса ўзимиз беғараз ёрдам берамиз. Асосий мақсадимиз айниқса экология масаласида япон халқини бошқа мамлакатлар халқлари билан яқинлаштириш, таништиришдан иборатдир. Келишилган дастуримизга кўра Марказий Осиё республикалари, Монголияда аралаш ўрмонлар барпо этишни режалаштирганмиз.

— Бу нима дегани?

— Игна баргли дарахтлар билан яп роқли дарахтларнинг бир ҳудудда ўстириш аралаш ўрмонлар ҳисобланади. Биз мана шу ташкилотни тузгач, Марказий Осиё республикаларида дастлабки икки гектар ерда шундай ўрмонлар барпо этилди. Бу жиҳатдан Абдушукур Хоназаров бошчилик қилаётган қўмитанинг ишини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки бу ерда ҳозир ЭКОЛЕС ташаббуси билан 30 гектар ерда аралаш ўрмонлар вужудга келтирилди. Аралаш ўрмонлар сизу биз учун кони фойда, кони кислород. Бунинг маъносига тушуниб етмоқ керак.

— Республикамизга берилаётган ёрдамдан Сизнинг давлатингиз ҳам манфаатдор бўладими?

— Харитага бир назар ташланг (жаноб Икеда дунё харитасининг ихчам тахламини очиб кўрсатди). Японияннинг иқлими бизнинг поясимиздаги давлатлар иқлимига боғлиқ. Шу маънода биз агар ўзимизга яқин давлатларда ўрмон барпо этиб, у ерларнинг экологиясини соф, покиза қилишга ёрдамлашсак, демак шу иқлим ўзимизга ҳам таъсир этади. Бундан менимча, ҳамма манфаатдор бўлади.

— Жаноб Икеда, бу дастур неча йилга мўлжалланган?

— Кулгили бўлса ҳам айтай — уч юз йилга.

— Мустақил республикамиз ҳақидаги таассуротларингиз.

— Республикангиз ҳамма соҳада катта имкониятларга эга. Гап уни ишга солишда, тегишли ишларни такомиллаштиришда қолган.

Бу борада республикангизда талай ишлар қилиш лозим. Лекин газетангиз орқали шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўрмон бу ҳаёт демак. Қани эди ҳамма ҳам бу амалий ишга қўшилса, соғлиғимиз бешикаст, умримиз узоқ бўларди.

Суҳбатдош:
Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ШУ ОЙ ОХИРИДА ҲАРБИЙ МАШҚЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

РОССИЯ АҚШ билан ҳамкорликда утказилаётган тинчликни таъминлаш ҳарбий-ўқув машқларида иштирок этади.

«Пискипер-95» деб номланган ушбу тадбир шу йил октябрь ойи охирида АҚШ ҳудудида бўлади. Унда ҳар икки томондан 300 тадан ҳарбий аскар иштирок этади.

Бундан бир йил муқаддам эса Россияда «Пискепер-94» деб номланган Россия — Америка ҳарбий-ўқув машқлари утказилган эди.

БОШЛИҚ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

ЯПОНИЯДА бир қанча вақтдан буён фаолият кўрсатаётган диний ҳаракат «Аум синрико» сектасининг мудофаа ишлари бўйича бошлиғи Тэцуя Кибэ Токио округ суди томонидан 1 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу жазо унга жамиятга қарши фаолияти учун берилди.

НОГИРОНЛАРГА КУЧИ ЕТИБДИ-ДА

САЛВАДОРЛИК собиқ ҳарбийлар гуруҳи мамлакат пойтахтида жойлашган ногиронлар давлат жамғармаси биносини қўлга олди. Улар бинода ишлайдиган 20 кишини гаровга олиб, мамлакат ҳукуматидан бир қатор ижтимоий кафолатларни талаб қилдилар.

Ҳукумат вакиллари улар билан музокара олиб боришга розилик бергандан сўнг собиқ ҳарбийлар гаровдагиларни озод қилган.

КАРОЧИДА ИШ ТАШЛАШ

ПОКИСТОННИНГ саноат ва савдо маркази бўлган Карочи шаҳрида аҳоли ялписига иш ташлади. Давлат маҳкамалари, ўқув даргоҳлари, дўконлар, банкларда иш тақатақ тўхтатилган. Кўчаларда транспорт воситалари қатнови тўхтаб қолган. Ҳукумат бинося ва муҳим давлат идораларини полициячиларнинг кучайтирилган гуруҳлари қўриқлаб турибди.

Карочида юз берган бу ноҳуш ҳолат сабаблари ҳақида ҳали аниқ маълумотлар йўқ.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 16 октябрдан бошлаб амлаштириш пунктларида валюта операцияларини амалга оширишнинг қуйидаги тартибини белгилайди:

— Шу йилнинг 13 октябрдаги биржа савдосини ҳисобга олган ҳолда сотиш курси бир доллар учун 34,5 сўмни ташкил қилади. Валютани сотиш чоғида сотиш қийматининг 20 фоизи миқдорида воситачилик ҳақи олинади;

—Аҳолидан эркин алмаштириладиган валютани сотиб олиш бир доллар учун 41,3 сўм қийматида амалга оширилади. Сотиб олиш чоғида воситачилик ҳақи олинмайди.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлди. Уни кенгаш раиси Б. Раҳимов очди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ғ. Қудратов, иқтисод фанлари доктори, профессор Р. Раззоқовнинг маърузаларида мазкур асарда Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан кейинги даврда амалга оширилган ишларга якун ясалгани, изчиллик билан ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, кишилар онгида рўй бераётган ўзгаришлар атрофлича таҳлил этилгани таъкидланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА «БОИНГ»ЛАР УЧАДИ

1996 йил август ойидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси йўлларида жаҳонга машҳур «Боинг» самолётсозлиқ компаниясининг самолётлари уча бошлайди. Шуниси диққатга сазоворки, компаниянинг қароргоҳи Вашингтон штатининг (АҚШ) маъмурий маркази — бир неча йиллардан бери Тошкент билан биродарлашга Сиэтл шаҳрида жойлашган.

Яқинда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Боинг» компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан республикамиз мазкур компаниядан учта самолёт сотиб олади. Уларнинг иккитаси 200 дан ортиқ йўловчи ташишга мўлжалланган «Боинг-767», биттаси эса 180 йўловчи ташишга мўлжалланган «Боинг-757» самолётидир.

Мазкур ҳаво кемалари тўққиз минг километрлик масофагача уча олади. Бу — Ўзбекистон авиаторларига пойтахтимизни Нью-Йорк, Афина, Жакарта, Сингапур ва жаҳоннинг бошқа шаҳарлари билан боғлайдиган олис йўналишларга қўнмасдан учиш имконини беради.

(ЎзА).

«Обуна-96» «ГИГАНТ»ЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Маълумки, шу кунларда рўзнома ва ойномаларга обуна бўлиш қизғин давом этмоқда. Бу ижтимоий-сиёсий тадбир Навоий вилоятида ҳам зўр ташкилий ҳаракат ва ўтказиляпти. Биргина Навбаҳор туманида шу кунга қадар юзлаб газета ва журналларга обуна расмийлаштирилди. Бу ўринда туман ташкилотлари ва идоралари билан бир қаторда «Гигант», «Янгиқўрғон», «Навруз» А. Навоий номли жамоа хўжаликларини ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин.

— Марказий рўзномалар ичида айниқса «Ўзбекистон овози»ни севиб мутолаа қиламиз, — дейди «Гигант» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Хайрулаев. — Уни саҳифаларида ёритилаётган мустақил Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати, ислоҳотларни жадаллаштиришга оид таҳлилий мақолалар, тарих ва қадриятларимизга доир материаллар бизни жасоратли меҳнат сари ундамоқда. Шунингдек, мунтазам чоп этилаётган «Боболаринг анойи эмас», «Олтин олма, дуо ол», «Халқ айтгани ҳақ чиқар», «Одобнома» рукни остида берилаётган қатор материаллар рўзнома ўқимишлилигини янада оширмоқда. Шу боис ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, 50 нафар аъзомизга хўжалик ҳисобидан «Ўзбекистон овози»га 1996 йил учун бепул обунани расмийлаштирдик.

Ҳа, бошқарув раиси сўзларида жон бор. Жорий йилда «гигант»ликлар якдиллик билан рўзномамизга обуна бўлишган эди. Келаси йил ҳам ишлаб чиқариш илғорлари, азамат пахтакор ва чорвадорларнинг аксарияти рўзномани мукофот тарзида йил давомида бепул ўқишади. Худди шундай «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси З. Йўлдошев ташаббуси билан хўжалик бўйича 20 нафар киши «Ўзбекистон овози»га маблағ ўтказиш йўли билан обуна қилинди. Ўйлаймизки, бундай ташаббус вилоят бўйича кенг ёйилади.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



ТОШКЕНТДА АҚШ БИЗНЕС МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

13 октябрь куни Тошкентда Америка бизнес маркази ва хорижий тижорат хизмати биносига рамзий «тамал тоши» қўйиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири У. Султонов ва АҚШ савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДҲ давлатлари билан энергетика ва савдо масалалари бўйича вакили Ян Калицки рамзий тасмани кесдилар.

Ян Калицки Америка бизнес маркази ва хорижий тижорат хизмати ўзбекистонлик ишбилармонларга бизнесни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатишини таъкидлади. Умуман, ушбу марказ Ўзбекистон-АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожига ўзига хос ҳисса қўшади.

— Биз бу марказнинг очилишига катта умид боғламоқдамиз, — деди У. Султонов, — Чунки у мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Айни пайтда Ўзбекистонда ўнлаб ўзбек-америка қўшма корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатаётир. Марказ очилгач эса, бундай корхоналар сони янада ортади.

Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

«Оқ олтин-95» ЗАФАР ШУКУҲИ

Қизилтепа тумани пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Эл хирмонига 27300 тоннадан ортиқ саноат хом ашёси етказиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки. уйилган хирмоннинг 90 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Эришилган муваффақиятга «Қўшработ», «Ворозил», «Деҳқонобод», «Зармитан», «Меҳнат-роҳат», «Ўзбекистон», Навоий номли жамоа хўжалиги заршунослари муносиб улуш қўшишди.

Режа уддаланган бўлсада, қизилтепаликлар терим суръатини бир дақиқа ҳам бўшаштирмаяптилар. Ялпи ҳосилни 30 минг тоннага етказиш, шу билан бир қаторда келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирлаш чора-тадбирларини қўришяпти.

Ш. МУЗАФФАРОВ.

ПАХТА-ВАТАНГА

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 13 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,55**	**105,93**
Хоразм	1,06	98,09
Наманган	1,15	94,01
Фарғона	1,04	92,23
Навоий	1,50	89,78
Бухоро	1,00	88,98
Тошкент	1,81	82,41
Қашқадарё	1,78	81,33
Қорақалпоғистон Республикаси	1,02	74,23
Сурхондарё	1,12	73,59
Самарқанд	1,56	73,46
Сирдарё	1,81	70,32
Жиззах	2,00	68,91
Республика бўйича	**1,33**	**83,72**
1994 йилда	**1,78**	**74.89**

Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?

«ЯХШИДУР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ»

СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА СЎЗ: Нормурод ТЎРАЕВ 1955 йилда туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги муҳандислари тайёрлаш институтини тугатган. Қишлоқ хўжалигида, кейинчалик ёшлар ташкилотларида ишлаган. Москва олий партия мактабида ўқиган. Пастдарғом ва Ғўзалкент партия ташкилотларида масъул лавозимларда ишлади. 1991 йилдан буён Ғўзалкент туман партия кенгашининг биринчи котиби. Туман кенгаш депутати. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

— Саркотиб сифатида кундалик тавшишларингиз ҳақида гапирсангиз.

— Яшириб нима қиламиз: бугунги кунда жамият тараққиётида партиялараро курашни кескинлаштириш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Лекин ҳар бир партия халқ ўртасида обрў қозониш учун иш олиб бориши табиий. Биз ҳам шу йўлдан боряпмиз. Ҳар куни, албатта, битта тадбир ўтказамиз. Котиб сифатида аъзолик бадали, партия сафини ўстириш билан шуғулланаман. Керак бўлса, банкларга, ташкилотларга бораман. Партия билетларини кўпинча фахрийлар иштирокида ўзим топшираман.

Ҳокимликнинг барча мажлисларида ҳамда бошқа йиғинларида иштирок этаман. Сўзга чиқаман. Партиямизнинг у ёки бу масалага муносабатини билдираман. Ғалла мавсумида туман раҳбарлари қатори муайян хўжаликда вакил бўлдим. Умуман, мен ўзимни тумандаги барча ишларга масъул деб биламан. Зеро, партиянинг мақсади, вазифаси ҳам шу эмасми? Айтгандай, туман ҳокимлиги кадрлар масаласида ҳам биз билан маслаҳатлашиб туради. Биз ҳам шу ишончга яраша туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишга интиламиз.

— Партия ишидаги тадбирлар қандай ўтади?

— Барча тадбирларни жонли ва қизиқарли ўтказишга интиламиз. Масалан, Жума пахта тозалаш заводида бир учрашув ўтказдик. Аввал ҳамма ташриф буюрганлар корхона фаолияти билан танишди. Унда қизиқарли фикр-мулоҳазалар айтилди. Кейин завод илғорларига партия номидан совғалар бердик. Куй-қўшиқ, бўлди томоша денг! Давра қизиганда айримларга партия билетлари топширдик. Бундан ташқари ташкилот ва маҳаллаларда бўлаётган турли танлов, томошаларга ҳомийлик қиляпмиз. Мустақиллик байрами арафасида туман фахрийларини бир пиёла чойга таклиф этдик. Эсдалик совғалари топширдик. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган кишиларнинг партиямизга билдирган ҳурмат-эътиборини кўрсангиз эди. Гап дастурхон ва совғада эмас, ҳурматнинг ўзи уларнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди. Зерикиб бўладими бундай тадбирлардан.

— Сиёсат билан бўлиб оила, рўзғорга вақтингиз етадими?

— Мол-ҳолга асосан ўзим қарайман. Боғимизда егуликнинг кўп турини етиштирамиз. Уйга ҳар куни битта газет ёки китоб олиб боришга ҳаракат қиламан. Фарзандларимнинг тарбиясидан кўнглим тўқ.

— Бугунги кунда партиядошларимизга қайси хислат зарур, деб ҳисоблайсиз?

— Ростгўйлик, жўшқинлик, самимият. Биз бугун камчиликларга, сафимиздаги маҳкамачи ва иккиюзламачиларга бешафқат бўлишимиз керак. Ҳамду сано, мақтов, бир-бирини кўкларга кўтариш қандай оқибатларга олиб келиши бизга тарихдан маълум.

— Ишингиздан қониқиш ҳосил қиласизми? Умуман, шундай ҳолатлар бўладими?

— Нега бўлмас экан? Тадбир яхши ўтгандан кейин маза қиламан. Тажрибали бирор киши партиямиз фаолиятига ижобий баҳо берса ҳам. Бундай пайтда уйга, болалар ҳузурига интиламан. Шодмон лаҳзаларни оилам билан баҳам кўраман. Умуман, жамиятда ўрним борлигидан таскин топаман.

— Илоҳо, ана шу ўрнингиз йўқолмасин.

— Раҳмат. Обуна мавсуми бошланиши муносабати билан «Ўзбекистон овози» муштарийлари сафи янада ошишини истайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.

Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи

ОҚДАРЁДЕК ОППОҚ ОРЗУЛАР

Республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисида аҳолининг асосий қисми истиқомат қилаётган қишлоқларда тадбиркорликнинг ривож топиши, кичик саноатнинг оёққа туриши истиқбол даракчиси эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада Шаҳрисабз туманида нималар қилиняпти, қандай ўзгариш, янгиликлар ва муаммолар бор? Шаҳрисабз тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Шуҳрат АЛЛАНАЗАРОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Тадбиркорлик—юрт истиқболи эканлиги аён. Гурунгимизни шу соҳа фидойилари ҳақида бошласак, кўп масалалар очиларди.

— Бизда тадбиркорлар кўп. Мана, Латиф Тўраевни олайлик. Софдил, ишбилармон йигит. Одамлар уни қўллаб-қувватлашгани бежиз эмас. Уни ҳурмат қиламан. У ўзи бошчилик қилаётган «Мўминобод» чорвачилик ҳиссадорлик жамияти дуч келаётган муаммолар миқолида жиддий таклифларни кўтариб чиқди. Туманда ҳозиргача 20 та ферма ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Уларга қарашли асосий воситалар, қорамоллар ўз қийматида мулкнинг янги эгаларига берилди. «Қашқадарё», «Пахтакор», «Истиқбол» ҳиссадорлик жамиятларида интилиш, янгилик бор.

Аммо янгилик ўзига осонлик билан йўл очаётгани йўқ. Мен фақат туманимизга эмас, кўп жойда бир хил бўлган аҳвол ҳақида гапиряпман. Мулкчилик кайфиятининг тўла шаклланмаганлиги, ишни уюштиришда ношудлик моллар туёқ сони камайиши, маҳсулдорликнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Туманда илгари наслли моллар сараланган, сут ва гўшт етиштириш аниқ маром билан уюштирилаётган эди. Масалан, Амир Темур номли жамоа хўжалигида ҳамиша пешқадам бўлиб келган иккита сутчилик фермаси ўтган йилни зарар билан якунлади. «Оқдарё», «Ҳисор» жамоа ширкат хўжаликларида тузилган 6 та ҳиссадорлик жамияти ишида силжиш сезилмаяпти. Ишни бу аҳволга ташлаб қўя олмаймиз. Мулк ўз эгасига топширилади. Кичик фермаларни ишбилармон кишиларга хусусий қилиб сотишни мўлжаллаяпмиз.

— Одамларга берилган ерларнинг афзаллиги ҳақида ўйлар эканман, тумандаги Синабоғ қишлоғини кўз олдимга келтирдим. Ер эгасига топширилса, деҳқон нималарга қодирлигини бундай қишлоқлар аҳолиси аллақачонлар исбот қилишган, шундай эмасми?

— Гапингизнинг тасдиғи учун битта мисол келтирай. Синабоғ қишлоғида яшаётган тиббиёт ходими Ўроқжон Саидов оиласида 9 киши бўлиб, 12 сотих томорқага эга. Ўтган йили 25-27 минг сўм даромад қилди.

«Гулистон» жамоа хўжалигида бир муҳандиснинг оиласи ҳам икки йил бурун 15 сотих ердан 13 миллион сўм-купон даромад олган эди. Шу хўжаликда ҳам эртаги бодринг етиштириш яхши йўлга қўйилган. «Ўзбекистон», Болта Фозилов, Жўра Элбоев номли, «Пахтакор» хўжаликлари аҳолисининг томорқаларида етиштирилаётган ноз-неъматлар туман бозорларида сотиляпти. Шу ўринда таъкидлаш лозим: ялпи мева-сабзавот маҳсулотларининг 67 фоизини фақат шахсий ёрдамчи хўжаликлар бераётгани қувончли ҳол.

— Биласиз, аҳолининг кўпчилик қисми ҳанузгача қишлоқ хўжалигида банд бўлиб қоляпти, қишлоқда хусусий тадбиркорлик, кичик саноатни ривожлантириш пайти келмадимикин? Шаҳрисабздек аҳоли тез суръат билан ўсаётган туманда бу масалалар қандай ҳал этиляпти?

— Аввало шуни айтиш керакки, хўжаликларнинг ҳаммаси жамоа ёки жамоа-ширкат хўжаликлари шаклини олди. Чорвачиликка ихтисослашган йирик «Кеш», наслли паррандачилик хўжаликлари ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Юқорида хусусий хўжаликлар тажрибасини тилга олган эдик. Шундан келиб чиқиб, деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тасодифий одамлар эмас, ҳақиқий ишлайдиганларга ер бериш кўзда тутилган. Ҳозир 72 деҳқон-фермер хўжалиги тузилган бўлиб, улар ихтиёрига 1380 гектар ер берилган. Уларнинг 30 таси деҳқончилик ва 42 таси чорвачилик билан машғул. Паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ҳам шулар қўлга олишмоқда. «Ҳамро Тилак ўғли», «Қўшчашма», «Чашма» фермер хўжаликларида иш яхши. Кўчар Жовлиев фермер хўжалиги 5 гектар лалми ерга сув чиқариб, боғ-роғ барпо этмоқда. Бу ерда ўз оқими билан баландликка сув чиқариб берадиган мослама яратилди. Унинг ишлари республика деҳқон-фермер хўжаликлари орасида алоҳида мукофотга сазовор бўлди.

Туманда боғ, узумзорларни хусусийлаштириш, ноз-неъмат етиштиришни янада кўпайтириш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Ҳозиргача 144 кишига 267 гектар боғ хусусий қилиб сотилди. Одамлар имкон даражасида боғроғларни харид қилишмоқда.

Хусусийлаштириш, ерга, мулкка эгаликнинг турли кўринишлари қишлоқда кечаётган катта ўзгаришларнинг белгилари. Аммо қишлоқдаги ишчи кучларнинг асосий қисми кичик саноат корхоналари, маиший хизматга тортилмаса, муаммолар ҳал бўлмайди. Бу аниқ бўлиб қолди. Туманда маиший хизмат тармоқлари ўчоқларининг ўз эгалари бор. 31 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Шундан 13 таси ҳиссадорлик асосида меҳнат қиляпти. Йирик пахта тозалаш заводи қошида Жанубий қурилик ҳамкорлар ёрдамида ип йигирув ва тўқув қўшма корхонаси қуришни мўлжаллаяпмиз.

Мироқидаги корхонада калиш ва бошқа оёқ кийимлари тайёрланмоқда. Тошкентдаги дори-дармон ишлаб чиқарадиган корхонанинг филиали фаолият кўрсатяпти. Юзлаб кичик корхона турли хизмат юмушини амалга оширяпти. Шу жумладан, 17 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 32 таси қурилиш, 12таси тиббий хизматга йўналтирилган. «Сўғдиёна» қурилиш-ҳиссадорлик жамияти ўзининг акцияларини сотувга чиқаряпти. Лекин булар ҳали оз. Кичик саноат ва хизмат турлари қишлоқларга тўла кириб бориши, қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолган кишиларни банд қилиши лозим. Бу борада тажриба борми? Бор, албатта. Ғани Бобоёров номли жамоа хўжалигида амалга оширилаётган ишлар бунга мисол. Ҳаётдан ёш кетган, аммо эзгу ишлари одамлар дилида яшаётган собиқ раис Абдунаби Ҳасанов қишлоқда қандай раҳбар меҳнат қилиши кераклигини амалда исбот қилганди. Ҳозир хўжаликда 1000 киши учун қўшимча ишчи ўринлари яратилган. Бундай хўжаликлар тажрибаси юртимиз учун, ҳаммамиз учун қимматли. Бирикки йилга қолмай қишлоқларда кичик, аммо фойдали, иш билан машғул саноат корхоналари кўпайишига шубҳа йўқ.

Ўроқ Ибрагимов номли жамоа-ширкат хўжалигида ортиқча хизматчилар штати қисқартирилди. Бошқарувнинг янги шаклини — ерни, боғни, сабзавот экинларини шартнома асосида олган кишиларнинг ўзлари ҳисоб-китоб билан шуғулланишлари жорий этилди. Энди ер олган киши бригадир, табелчи ёки ҳисобчи вазифасини ўзи бажаряпти. Кекса деҳқонлар бундай жамоаларга маслаҳатчи қилиб белгиланган. Натижаси яхши. Қишлоқларда биринчи марта табиий газ ёна бошлади.

Ҳа, ислоҳотни ҳам, қишлоқлар истиқболини, бинобарин, юрт истиқболини таъминлашни ҳақиқий эл оғалари амалга оширадилар. Буюриш билан эмас, ташаббус кўрсатиш, одамларни ишонтириш орқали. Хусусийми, ҳиссадорми, жамоа мулкими, барибир уларни бошқаришда тадбиркорлар керак.

Қисқаси, Оқдарё бугун бир парча ердаги экинга эмас, минглаб гектар ғаллазорларга оқмоқда. Истиқлол туфайли дарё сувидек оппоқ ширин орзулар ҳақиқатга айланяпти. Туманда ислоҳотлар йўли қаттиқ тутиляптики, ҳамма гап энди шу интилиш, қатъият ва ташаббусни охиригача етказишда, туман бошқарувида талабчанлик, масъулиятни ва кадрлар интизомини бир дақиқа ҳам бўшаштирмасликда қолган!

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Туркистон — умумий уйимиз

ДАВЛАТ ЭМАС, ДЎСТЛАР ОРТТИРДИМ

Ота-боболаримизнинг ҳар бир ибратли сўзида ҳаётий маъно-мазмун мужассам. Уларнинг давлат эмас, дўст орттир деганлари нечоғлик тўғри эканининг шоҳиди бўлиб турибман.

Кўп йиллардан буён чўпонлик қиламан. Сурув ҳайдаб, жамоа хўжалигимизнинг 700 бош қўй-қўзисини боқаман. Шу масъулиятли вазифа тақозоси билан қўшни Қирғизистон Республикасининг Олой, Чигирчиқ қирларида, тоғ кенгликларида айтарли ҳар йили бўламан. Йилнинг деярли ярми шу жойларда ўтади. Қўй-қўзиларимиз тоғ ўт-ўланларининг, қирларнинг барра майсаларига тўйишади. Бу йил ҳам шу анъана ўзаро келишувлар асосида амалга ошди. Бунга икки мамлакатнинг бошлиқларидан тортиб, ўша юртдаги дўст-биродарларимизнинг саъй-ҳаракатлари асқотди. Қорасув туманидаги «Қизилсув» жамоа хўжалиги чорвадорлари бизга дўстона ёрдам бердилар. Чигирчиққа ўтгунимизча уларнинг эътибор-эъзозида бўлдик. Улар ўзимизга озиқ-овқат, қўйотларимизга ем-хашак бердилар. Хонадонларига таклиф этдилар.

Бундай дўстона муносабат бугун таркиб топгани йўқ. Унинг илдизлари чуқур ва бақувват. Бир неча йилдан буён «Қизилсув» колхози билан жамоа хўжалигимиз раҳбаридан тортиб оддий ишловчисигача дўстлик муносабатлари таркиб топганлигини фахрланиш туйғуси билан айтаман. Фурсат бўлди дегунча, улар биз томонга, биз эса «Қизилсув» сари юзланамиз.

Гап келганда айтаман, «Қизилсув»да мени Топволди полвон, Султон полвон деган дўстларим бор. Улар туманимизда ўтган «ҳосил байрами»га ҳам келишди. Қувончли кунларимизда бирга бўлишди. Меҳмонларга юртимизнинг эътиборли жойларини кўрсатдик. Дўстларимиз хурсанд бўлиб қайтишаётиб бизни ҳам таклиф этишди. Яқинда ҳамюртларим Икромжон, боғдорчилик бригадаси бошлиғи Алишер, шофёр Собиржон билан дўстларимиз диёри — «Қизилсув»га бордик. Қадрдонларимиз бизни хурсандчилик билан кутиб олишди. Меҳмон қилишди. Ҳамма сидан ҳам қиргизча қалпоқ, тўн кийдиришгани, нафис ясалган қамчи хадя этишгани ҳеч эсимиздан чиқмайдиган бўлди. Ноёб совғалар дўстлик рамзи сифатида уйимизнинг эътиборли жойидан ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшни юртлардаги дўстона учрашувларини кўриб, айтилган самимий сўзларни эшитиб дилимдан қувонаман. Мустақил мамлакат юртбошларидан бошлаб оддий фуқаролар ўртасидаги қон-қардошлик мустаҳкамланиб бораётганидан кўнглим яйрайди. Давлат эмас, дўстлар орттирганимдан шодландим.

Аҳмадбек БЎТАЕВ, Бўз районидаги «Озод» жамоа хўжалигининг чўпони.

Янгиликлар саҳифаси

ХУШХАБАР – ЮРТИМИЗГА ЯРАШАР

БУХОРО. Бухоро тумани миришкорлари давлатга 34200 тонна «оқ олтин» сотиб, йиллик режани уддаладилар. Ялпи ҳосилнинг 1400 тоннасини уруғлик пахта ташкил этди. Бу муваффақиятга «Ўзбекистон», «Маданият», «Янги турмуш», «Ипакчилик», «Ўрта Осиё», «Чорбакир» жамоа хўжаликлари пахтакорлари салмоқли улуш қўшдилар.

Туманда ҳозирча ҳосилдорлик 34,2 центнерга етди. Давлатга яна 3800 тонна пахта сотишга қарор қилинди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. «Москва» фермер-деҳқон хўжаликлари уюшмаси аъзолари Элликқалъа туманида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини ошириб бажардилар. 1503 гектар майдондан 3100 тоннадан кўпроқ пахта тайёрланди. Унинг деярли ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ.

НАВОИЙ. Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги пахтакорлари эса эл хирмонига 2640 тонна саноат хом ашёси армуғон этдилар. 31 центнердан ҳосил кўтарилди. Шуниси қувончлики, жами ҳосил юқори навларга сотилди. Улар яна 360 тонна пахта топшириб, хирмонни уч минг тоннага етказишмоқчи. Соатқул Жўраев номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари пахтакорлари ҳам йиллик режани бажардилар.

Музаффар ШАРОПОВ.

ХОРАЗМ. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабаларини моддий рағбатлантириш мақсадида касаба уюшмалари вилоят кенгаши қарорига кўра мавсум давомида энг яхши натижаларга эришган талабалар учун 9 та мукофот таъсис қилинди. Ҳар бир мукофот соҳиби бир ойлик миқдорида стипендия ва вилоят ҳудудидаги санаторийларга йўлланма билан тақдирланади.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмиталари ҳам учтадан ана шундай мукофот таъсис қилдилар. Мукофотлар мавсум тугагандан кейин бир ҳафта ичида ўз эгаларига бериладиган бўлди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ФАРҒОНА. «Дўстлик» жамоа хўжалиги раиси Жўрақўзи Алибоевнинг яқинда «Дўстлик» ордени олгани бутун жамоани руҳлантириб юборганди. Бу хўжаликнинг юки катта. Ер-сувини қўйинг, бу ерда йилига 700 нафар чақалоқ туғилади. Шунча йигит-қиз вояга етиб, иш сўрайди... Жўрақўзи ака қишлоққа саноатни олиб кириш энг муҳим ишлигини биринчилардан бўлиб англади ва кўп иш қилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ютуқлар ҳам чакки эмас. Хўжалик 979 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта ҳосили олиб, Бувайда туманида ғолиб бўлди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга сотилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

«Оқ олтин — 95»

ЁШЛАР ҲИММАТИ

(Суратли лавҳа)

Зомин тумани мактабларининг юқори синф ўқувчиларини пахтазорга йўл олишга ҳеч ким мажбур эттани йўқ. «Ёш келса — ишга...» деган нақлни дилга жо қилган 5 минг нафар ўғил-қиз пахтакор хўжаликларга ҳашарга чиқдилар. Улар айни пайтда уюшқоқлик ва интизом билан меҳнат қилишяпти. Уларнинг ғайратларига, кўтаринки кайфиятига қараб, эл-юртга бўлган садоқатнинг, пахтакорлик касбига ихлоснинг фарзандларимиз қалбига чуқур сингиб кеттанига амин бўлдик.

Туман халқ таълими бўлимининг пахта штабида терилаётган «оқ олтин»нинг ҳисоби ҳар куни олиб бориляпти. Штаб бошлиғи Ўктамжон Йўлдошев билан унинг ёрдамчиси Тоиржон Йўлдошевлар кунлик якунга қараб, жойларга тарқатиладиган «Жанговар варақа»да илғор мактаб жамоалари, ҳашарчи-ўқувчилар номларини қайд этишяпти, кўчма кино ёки туман санъаткорларини ўша илғорлар ҳузурига хизматга йўллашяпти.

Мактабларо мусобақаларда мавсум бошидан бери тажрибали педагог, ХДП аъзоси Олишбой Тошматов директорлик қилаётган 47 - ва Исмоил Эшбеков етакчилигидаги 37-ўрта мактаблар жамоалари пешқадамлик қилаётирлар.

— Ҳашарчи-ўқувчилар ҳозиргача 5200 тонна пахта терди, — дейди штаб бошлиғи Ў. Йўлдошев. — Ҳар бир ҳашарчининг терган пахтаси бир тоннадан ошиб кетди. Фарзандларимизнинг бу ҳамматидан дала меҳнаткашлари ҳам мамнун.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. 2 тоннадан зиёд пахта терган Нодира Боймуродова. 2. Мусобақадош дугоналар Марғуба Орзиева ва Дилрабо Ўролова.

Муаллиф олган суратлар.

ҚИШ ТАШВИШЛАРИ

ХОРАЗМ. Вилоят ҳокими М.Жуманиёзов вилоят аҳолисини 1995-1996 йиллар қиш мавсумида картошка, сабзавот, узум, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш юзасидан махсус фармойиш чиқарди. Шу фармойишга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ғамлаш билан шуғулланадиган барча ташкилотлар олдига қатъий ва аниқ вазифалар қўйилди. Шўнга кўра қиш мавсуми учун 16 минг 350 тонна картошка, 17 минг 775 тонна сабзавот, 1380 тоннага яқин полиз маҳсулотлари, 2365 тонна мева, 405 тонна узум тайёрлаш белгиланган. Ҳозирги кунда савдо харид қилиш уюшмаси, Урганч деҳқончилик фирмаси, «Хоразмсавдо» концерни, вилоят матлубот жамияти, вилоят агросаноат уюшмаси ана шу топшириқларни бажариш устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

М. ҚУРБОНОВ.

Тадбиркорлик

АНДИЖОНДА КИМОШДИ САВДОСИ

Андижон вилоят наслчилик корхонаси қорамоллар кимошди савдосини ташкил этди. Савдога Қўрғонтепа туманидаги «Савай», Марҳамат туманидаги Охунбобоев номли, Избоскан туманидаги «Пойтуғ», А. Тиллабоев номли, «Ўзбекистон» хўжаликларида боқилган маҳсулдор қорамоллар қўйилди.

«Савай» хўжалигига қарашли 50 бош буқа тездаёқ ўз харидорларини топди. Савдода «Швиц» зотига мансуб новвос 525 килограмм тош босди. Унга кўпчилик харидор бўлганлиги учун баҳоси 17 минг сўмга чиқди.

Наслли қорамолларнинг кимошди савдосида 232 бош зотли ғунажин ва новвос янги мулк эгалари қўлига ўтди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Қадриятларимиз

ЖАРҚЎРҒОН МИНОРАСИНИНГ ҒИШТИ ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАНМИ?

ёки ёнингдан оққан сувнинг қадри... баландлиги ҳусусида

Сурхондарёнинг диққатга сазовор жиҳатлари ҳақида гап кетадиган бўлса кўпчилик унинг тарихига ўрғу бериб ўтади: 1938 йилда А. Окладников томонидан топилган Тешиктош одами -неандерталь боланинг бош ва елка суяклари ибтидоий жамоа деб аталган одамлар томонидан Зараутсой (Шеробод тумани) дараларига чизилган ва ўнчабунча тараққиётдан нишона бўлиб қолган суратлар, араб алифбоси билан битилган ёзувлар. Бронза давридан қолган мерос— Жарқўтон (Шеробод тумани) шаҳри топилмалари. Эрамиздан аввалги биринчи аср ва милоднинг дастлабки уч асрида ҳукм сурган Кушон-Бақтрия салтанатининг қўркам манзилгоҳи бўлган Далварзинтепа (Шурчи тумани) ёдгорликлари. Эски Термиз, Жарқўрғон минораси, Ҳолчаён...

Энг янги тарихда Сурхондаре тандир кабоби билан машҳур бўлди, деди кимдир. Бу ҳукмга мен мутлақо қўшилмайман. Йигирма тўққизинчи йиллардан воҳада ипак пахта (Миср пахтаси) экила бошланди. Евгений Гаврилов деган бир заҳматкаш, камгап, камтар инсон кейинги чорак аср мобайнида ипак пахтанинг олти-етти хил навини яратди. Деҳқоннинг мушкули осон, юзи ёруғ, элнинг дастурхони тўкин, бағри бутун бўлишида Евгений Григорьевичнинг хизмати беқиёс.

Саттор Салимов деган дўхтир (раҳматли) Жайронхона бўлоғининг суви Мацеста (Сочи шаҳри) нинг сувидан икки баробар шифобахшроқ эканлигини исботлаш учун йигирма йилча заҳмат тортди. Қақроқ даштда гулшан яратиб кетди. Бугунги кунда у бошлаган ишни тиббиёт доктори Зокир Зуннунов давом эттиряпти. Зуннунов ҳозир жанубнинг 60 даражагача кўтариладиган иссиғи билан юрак, қон томир хасталикларини даволамоқда. Зуннуновнинг Учқизил қўрғонидаги шифохонасини ҳатто хорижликлар Узбекистоннинг Кисловодскийси деб атамоқдалар.

Бойсундаги Омонхона горининг сувини назаркарда сув демоқдалар. Бу ерда ҳозир даволаш маскани қурилди. Йўллари созланди. Омонхонага қадами етганлар ошқозон-ичак, жигар хасталикларидан фориғ бўлмоқдалар.

Хўжаикон туз конини ёки кон қошида очилган нафас қисма хасталикларини даволовчи шифохонани олинг. Шуларни ўйлаб, эҳ, ёнингдан оққан сув қадрланадиган кунлар ҳам бор экан-ку дегинг келади. Бу фикримизнинг далилига яна бир мисол: «Сурхон» озиқ-овқат комбинати (Мой заводи), Денов ароқ заводи билан ва бошқа бир қанча идоралар иссиқлик энергияси ҳосил қилишга ишлатиладиган нефтни илгари Фарғонаданми, Россияданми олиб келишарди. Қарасаларки, шундоқ оёқларининг остида Жарқўрғон нефть маҳсулотини қазиб оладиган бошқарма ишлаб турибди. Маҳсулоти учоқда аъло даражада ёнади. Шу йилдан бошлаб юқорида эслатилган жамоалар нефть учун узоққа бормайдиган бўлди. Курдингизми, қанча харажату қанча ҳаракат тежалади.

Сурхондарёда яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. — Ҳукуматимиз Амир Темур юбилейига тайёргарлик муносабати билан Термиздаги Султон Саодат меъморчилик обидасини қайта таъмирлашга катта маблағ ажратди. Бу обида Балх ҳокими Амир Ҳусайн (739-745 йиллар) даврида Саидлар саганаси устида мақбара сифатида қурила бошланган. Қурилиш ҳатто XVIII асрга қадар давом эттирилган. Ҳозир шу қишлоқда истиқомат қилувчи Иброҳим ака Маллаевнинг айтишича, 1930 йил охирларида Шуролар обидаларни текислаб ташлашга амр қилганлар. Пишиқ ғиштдан қўтарилган, сатҳи бир ярим гектарча бўлган, қалъасию муъжаз шарқона дарвозаси бўлган ёдгорлик мабодо ушанда бир тасодиф биланми бузувчилардан бири баланд гумбаздан йиқилиб тушиб ҳалок бўлмаганида теп-текис қилиб ташланарди.

Биз борганимизда ҳали иш бошланмаган эди. Таъмирловчилар (вилоят таъмирлаш-қурилиш трестига қарашли жамоа) ғиштга қараб туришган экан. Ғишт... Навоий вилоятидан келтирилиши керак эди.

— Наҳотки энди ғиштни... четдан олиб келсак, — деб сўрайман трестнинг бош муҳандиси Тоҳир Жўраевдан.

— Узимизнинг тупроғимиз шўр дейди, — Жўраев. — Масалан, Термиз ғишт заводида пиширилган ғишт ёмғирда қолса, эриб кетади...

—Сарахслик меъмор ибн Муҳаммад XII аср бошида қурган Жарқўрғон минораси ғиштлари ҳозир ҳам ялтиллаб турибди-ку. Четдан келтирилмагандир...

—Албатта, Сурхондарёнинг тупроғидан пиширилган шу ғишт, — дейди вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Н. Султонов. — Минора қошидаги муҳташам мадрасани ўттизинчи йиллари бузиб, унинг ғиштидан Жарқўрғонда «Шуролар уйи»ни қуришган (ҳозирги туман мудофаа бўлими идораси). Минора туман меъморчилигининг асл намунаси. «Шуролар уйи», аксинча, тумандаги энг қуримсиз бино.

Биз кулишдик.

—Чиндан ҳамда, Тоҳиржон, — деб яна муҳандисга гап қотаман. — Ахир вилоятимизда мингта яқин олим тадқиқотчи бор. Қанча мутахассис. Яна ғиштни бошқа жойлардан ташисак. Ғишт терувчи уста қидириб юртимизнинг у бурчагидан бу бурчагига югурсак. Шурчидан бир уста оддий нефть билан ишлаши мумкин бўлган двигатель нусхасини ясаётганмиш. Ахир катта эл, кўп-ку қули гул одамлар...

— Тўғри, қилса бўлади. Ҳафсала керак, — дейди Жўраев вилоятда сифатли ғишт чиқмаётганига менинг айбим йўқ демоқчидай бўлиб.

Сурхондарёнинг қурилиш русумларида шарқ меъморчилиги анъаналари, аждодларимизга хос андозалар кейинги йилларда яққол кўзга ташланаётганини кўриб, одамлар «қилса бўлар экан-ку», дейишмоқда. Эл фахрланса арзигулик қадамжо жойларнинг обод этилаётганидан қувонишмоқда.

Шуларни кўриб, Жўраевнинг гапини яна бир карра такрорлагимиз келади: ҳар қандай сифатли ғиштларни тайёрласа бўлади. Фақат...

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

БИР ЙЎЛА 30 ТА МЕДАЛЬ

Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда ўзбекистонлик каратэчилар бунчалик улкан муваффақиятга эришадилар, деб ҳеч ким ўйламаганди. Марказий Осиё мамлакатларининг 150 спортчиси иштирок этган бу мусобақада Ўзбекистон шарафини Тошкент шаҳри каратэ федерацияси терма командаси ҳимоя қилди. Шуниси қувончлики, улар ҳар бир беллашувни кўтаринки руҳда ўтказишди.

Натижада спортчиларимиз 10 та олтин, 12 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритиб, минглаб томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Мухлислар олтин медалларни қўлга киритган Ф. Қосимов, В. Мустақимов, Р. Абдулин, В. Черняев, Д. Султонхўжаев, Д. Мельников, Р. Гельфанов, Н. Баришников, шунингдек, мутлақ вазн тоифасида ғалаба қозонган Ўзбекистоннинг бир неча марта чемпиони Н. Пирназаровлар кўрсатган маҳоратга қойил қолишди.

Вакилларимиз команда ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг бош совринини қўлга киритишди.

«ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Куни кеча мамлакат футбол чемпионатининг олий табақасида 23-турдаги кечиктирилган ўйинлардан бири ўтказилди. Бунда турнир пешқадами «Нефтчи» футболчилари Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари меҳмони бўлишди. Учрашувда пахтакорчилар ташаббусни дастлабки дақиқаларданоқ қўлга киритишди.

Кетма-кет ҳужумлар ўз самарасини берди. Ўйиннинг 5-дақиқасида Дилмурод Назаров ҳисобни очган бўлса, биринчи бўлимнинг охирларида 11 метрлик жарима тўпини киритиб ғалабани мустаҳкамлади. Ўйин охирларида эса Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ҳисобни 3:0 га етказди. Шундай қилиб пешқадам иккинчи бор мағлубиятга учради.

15 октябрь куни футбол мухлислари яна бир қизиқарли учрашувнинг гувоҳи бўлишади. Бунда чемпионликка даъвогар икки команда—яъни МҲСК ва «Нефтчи» ўзаро учрашишади. Ана шу учрашувдан сўнг ким чемпион бўлиши аён бўлади.

Янги нашрлар

«КАТТАҚЎРҒОННИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ»

Самарқанддаги «Зарафшон» нашриётида тарихчи Иззат Бекмуродовнинг «Мангу жасорат» тўплами чоп этилди. Муаллиф унда халқимизнинг жанговар йиллар солномасига қўшган ҳиссаси, аниқроғи урушда ва фронт ортида амалга оширган ишлари ҳақида ўзига хос фикр билдиради.

Иззат Бекмуродовнинг «Каттақўрғоннинг қисқача тарихи» китоби, «Каттақўрғон кеча ва бугун» тўпламида эса унинг илмий тарихий-оммабоп мақолалари чоп этилган.

Муаллиф асосан тарихий материлларга таянади ва келтирилган аниқ далиллар, сиз азиз китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

Баҳодир АСАЕВ.

КЕЛИНГ ВА КЎРИНГ: СИЗГА МАНЗУР БЎЛАДИ!

Ирландия обакилари, Испаниянинг жаҳонга машҳур "Дульсиора" фирмаси желе ва мармеладлари, шунингдек, Англиянинг "Старион" фирмасининг элликдан ортиқ хилдаги парфюмерияси.

Илк бор! Улгуржи ва чакана савдо, ҳисоб-китоб:
нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан,
сотиш учун ҳам берилади.

Шошилинг! Ҳаммага ҳам етмайди.

Бизнинг манзил:
Тошкент , Лутфий кўчаси, 94-уй.
Улгуржи савдо — тел. 78-23-44.
Чакана савдо — тел. 78-97-43.

**"ҲАЁТ БЎЛГАН ЖОЙДА – УМИД БОР!
"ТИМ" БЎЛГАН ЖОЙДА – ОМАД БОР!"**

Шифокор огоҳлантиради

КЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Куз фаслида ҳам ёш болаларнинг тез-тез кўзи оғриб туради. Бунга сабаб қуёш нурининг кучли таъсири ва ҳавода чангнинг тарқалиши, бола танасида модда алмашинувининг бузилиши натижасида унинг ҳимоя қобилиятининг пасайишидир. Боланинг кўз тирқишида зарарсизланиб ётган (сапрофит) микроблар ёки касаллик қўзғатувчи патоген, стрептокок, пневмокок, стафилокок, кох таёқчалари ва бошқа вируслар кўз шиллиқ пардаси—конъюнктивани яллиғлантиради. Бу хасталик конъюнктивит деб ном олган. Унда кўз ачишади, қизаради, қовоқлар шишади. Кўз ёшлангач, қовоқлар тирқишидан шилимшиқ ёки йиринг чиқа бошлайди. Бу эса болаларни безовта қилиши табиий. Вақтида олди олинмаса қисинган қовоқлар кўз пардаларига ўтадиган қон томирларни эзиб, кўзнинг шоҳ пардасида модда алмашинуви бузилиб, яллиғланиш вужудга келади. Ярага айлангач эса буни даволаш анча қийин бўлади.

Кўпинча ота-оналар бу ҳолга етарли аҳамият бермай, вақтни ўтказишади. Оқибатда эса кўзга оқ тушиши ва кўрмай қолиши хавфи туғилади. Шунга кўра болаларимизнинг кўзи оғриши биланоқ дарҳол мутахассис-шифокорга мурожаат қилиш лозим. Ундан ташқари пенициллиннинг бир флаконига қайнаб совуган сувдан ярим қилиб солиб, эритмадан 3-4 кун давомида томизиш тавсия этилади. Левомицциннинг 0,25 фоизли эритмаси ёки фурациллиннинг 0,02 фоизли эритмасидан ҳам шу тариқа фойдаланиш мумкин. Касаллик тузалавермаса тетрациклиннинг бир фоизли малҳамидан кўз тирқишига суртса бўлади. Номи айтилган дориларнинг ҳаммасини ишлатишдан олдин болада шуларга нисбатан аллергия йўқлигини шифокор аниқлаши даркор.

Муҳтарам ҲАМИДОВА,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Бодомзор Ц bodomzor

НОВОГОДНИЕ ПОДАРКИ!

АО "Бодомзор" принимает заявки от предприятий, организаций и всех заинтересованных лиц

Разместив заявку, вы тем самым избавитесь от хлопот на новогодний вечер, доставив детям огромную радость и безграничное удовольствие.
Подарки изготовлены в добрых традициях и в лучших кондитерских фабриках мира

ВЫСОКОЕ КАЧЕСТВО, НИЗКИЕ ЦЕНЫ, ОТЛИЧНЫЙ ДИЗАЙН

Каждый 40-й подарок – бесплатный !

Наши специалисты доставят вам образцы по заявкам. Доставка образцов производится бесплатно. Форма оплаты-любая !

©"BVV"

МЫ ЖДЕМ ВАС !

Звоните нам по телефонам: (3712) 63-73-96, 63-99-62, 60-05-74
Наш адрес: 700140, Ташкент, ул. Д. Абидовой, 260. Ориентир-институт САМПИ

ТОШКЕНТ «ФОТОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Бирлашма SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д касса аппаратларининг нархи 20 фоиз арзонлашди.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д

30, 60 ва 100 дан ортиқ аппарат сотиб олинса, арзон коэффициент қўлланилади.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д

КАССА АППАРАТЛАРИ ЯНГИ АВЛОДИ

Бу аппаратлар имконияти мижозларнинг бугунги ва эртанги талабини тўла қондиради. Бу замонавий касса аппартларини ишлаб чиқаришда электроника ва ҳисоблаш техникасида эришилган энг сўнгги ютуқлардан фойдаланилган.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг талабларига тўлиқ жавоб беради ва сотиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат Реестрига киритилган.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д – ўзбек ва рус тилларида барча матнли маълумотларни, товар номларини ёзади ва айни пайтда икки лентада – чекли ва назорат лентасида чиқаради;
– кундалик, даврий товарлар, товарлар турлари, дўкон ва бўлимлар бўйича яхлит ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради.

SILEX-7004 – аппаратига туширилган барча маълумотлар ва иш натижалари қайд хотирасига ёзилиб, 7 йилгача хотирада сақланади. 800 тагача товарнинг номи ёзилади, товарларни 5 солиқ гуруҳига ва 32 бўлимга тақсимлайди. 20 та кассир номерини программалаштиради.

КАРАТ-1500Д – аппаратининг қайд хотираси туширилган ахборотни камида 8 йил сақлайди, 1500 тагача товарнинг номини ёзиб олади. Тижорат компьютер тармоғига уланадиган стандарт интерфейси бор. Электрон тарозиларга уланади. Кодлар, магнитли ва электронли карточкалар белгиларини оптик ҳисоблагичи ҳам бор.

«ФОТОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

бир йил давомида аппаратларга кафолатли бепул хизмат кўрсатиш;
кассир-операторлар тайёрлаш;
аппаратларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш ҳамда турли сервис хизмати кўрсатиш юмушини бажаради.

Манзилимиз: Тошкент, Мовароуннаҳр кўчаси, 13.
Телефон: (3712) 36-01-16, 36-09-33.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д - КАССА АППАРАТЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИДИР.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 16

ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Аждодлар мероси — хазина». Нажмиддин Кубро.
18.10 «Омилкор инсонлар». Публицистик кўрсатув.
18.35 Футбол шарҳи.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мен ва дунё».
21.35 Тўфон Минуллин. «Алла». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
23.15 Эълонлар.
23.20—23.45 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Деҳқон ҳиммати».
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.00 «Шаҳарда дув-дув...».
20.30 «Спорт-тайм».
21.00—23.15 «Асов дарёнинг жиловланиши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси».
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Курьер».
23.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
24.00— 00.10 «Постфактум».

СЕШАНБА, 17

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири».
10.15 Немис тили.
10.45 «Синфдош». Тележурнал.
11.10 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».
11.40 Тўфон Минуллин. «Алла». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
13.20—15.20 «Умидлар йили». Видеоканал.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Доно бобо даврасида».
18.10 «Лола ҳақида қисса». Мультфильм.
18.20 Мусиқали драмалардан ария ва дуэтлар.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
*
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Ғофуров.
22.10 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Самарқанд — менинг ёрқин юлдузим». Премьера.
20.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Жаҳон ва биз».
22.10 «Кашфиётлар ва ихтиролар». Илмий-маърифий кўрсатув.
22.50 — 23.50 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Янги китоблар».
11.30 «Алифбо сабоқлари».
12.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Ғофуров.
13.10—15.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Умид учқунлари». Ўсмирлар учун тележурнал.
18.10 «Шеърий дақиқалар».
18.20 «Ҳуқуқий жамият сари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг хонандаси Насиба Сатторова куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Олтин мерос». Замахшарий.
21.50 Ўзбек киносининг 85 йиллигига. «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.20 Эълонлар.
23.25—23.50 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
20.00 «Янги иқтисод».
20.35 «Тет-а-Тет».
20.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.40 «Тошкент оқшомида».
22.40—00.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 19

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Болалар — гуллолалар».
11.20 «Истиқлол адабиёти».
11.50 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
12.20 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
13.00 «Истеъдод». Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Улуғбек Полвонов ижро этади.
13.35—15.35 «Маърифат» видеоканали.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Сехрли мўйқалам».
18.00 «Нон таъми».
18.25 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Шарқнинг мумтоз мусаввири». Камолиддин Беҳзод.
19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Туркистон — умумий уйимиз».
21.30 Пахтакорлар учун концерт.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
23.35 Эълонлар.
23.40—00.05 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.10 «Теле-ателье-шоу».
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15—22.55 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*
ЎзТВ
21.45—23,00 «Етти қария ва бир қиз». Бадиий фильм.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23,00—01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик оқшоми».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.20 «Ўзбекистон — Япония: ҳамкорлик йўли».
23.00 — 00.05 «О, муҳаббат». Мусиқий кинокомедия.

ЖУМА, 20

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
12.40 «Ривоят». Публицистик кўрсатув.
13.00 Миллий кураш бўйича халқаро турнир.
13.30 «Кичкинтой»га хат келди».
14.00—15.10 Пўлат Мўмин. «Қоқвой билан Чаноқвой». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 Мультфильм.
17.50 «Митти юлдузлар».
18.20 «Тилга эътибор...».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
*
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Футбол майдонларида». Афро-Осиё кубоги ўйинлари олдидан.
21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова куйлайди.
22.20 «Кино. Кино. Кино...».
23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Бизнес-академия».
19.50 «Самарали изланишлар».
20.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
21.10 «Кимга қанақа?».
21.55—23.10 «Кобра» операцияси». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Компьютер -Осиё».
21.20 «Кулгига нима етсин!».
21.45 «Америка юлдузлари».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Даракчи».
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.15 Видео — «О».

ШАНБА, 21

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
10.15 «Оналар мактаби».
10.45 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
11.20 «Таъзим Сизга». Мусиқий дастур.
12.10 «Салом, фестиваль!».
12.40 «Латиф Файзиев». Ҳужжатли фильм.
13.20 «Халқ ижодиёти».
13.50—15.50 «Санъат сеҳри». Видеоканал.
*
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
15.55 Футбол бўйича Афро-Осиё кубоги. Ўзбекистон — Нигерия. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
17.55 «Маҳалламиз болалари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Ялла» ансамблининг концерти.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Футбол бўйича Афро-Осиё кубоги. Ўзбекистон — Нигерия (ёзиб олинган).
22.30 Мусиқий танаффус.
22.50 «Тунги вғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30—18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 Телефильм.
19.25 «Ҳамкасблар».
19.55 «Менинг кўчам».
20.10 «Коллекция».
20.45 «Меъморлар».
21.35—23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Қалбим қўри».
10.40 Болалар учун фильм. «Петров ва Васечкиннинг ажойиб саргузаштлари». 1 ва 2-сериялар.
12.55 «Мусиқий учрашувлар».
13.25 — 14.15 «Замандас» (қозоқ тилида).
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Монитор-Осиё».
21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.15 «Глобус».
21.45 «Яшайман... Куйлайман... Севаман...»
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.05 — 00.35 «Аёллар салтанати». Бадиий фильм.

ЯКШАНБА, 22

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Спорт кўрсатувлари: 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. «Жаҳон жанговар санъатлари».
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.45 «Насриддиннинг 41-пашшаси». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
13.30—14.10 «Актёрлар ва ролар». Н. Олимов.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Томоша» ахборот.
17.45 Мультфильм.
17.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Ойнаи жаҳонда».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Панорама» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Танишинг, янги дастур: «Парвоз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Тимсол» видеоканали.
22.35 ЎзТВ экранида кинокомедия. «Фаввора».
24.00—00.30 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
10.30 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.40 «Теле-ателье-шоу».
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.45—14.25 «Кинонигоҳ».
* * *
17.00 «Совға».
17.30 «Салом, ёшлар!».
18.10 «Жаҳон географияси».
19.00 Эълонлар.
19.05 Видео—«О».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Курьер».
21.10 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.20 «Постфактум».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 «Автосалон».
22.10 «Кулгига нима етсин!».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Даракчи».
22.50 Эълонлар.
22.55—00.35 Видео—«О».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—22.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55—00.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!» Мультфильм.
10.30 «Жонли сайёра».
11.00 «Менинг кўчам».
11.15 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.45 «Куз наволари». Телефильм.
13.05 «Ғазалхон ёшлигим».
13.35 — 13.45 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.05 «Сахий хонадонда».
20.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Чинсэн».
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.10— 00.25 «Касалхона». Бадиий фильм

ҚУЁШ НУРЛАРИГА МЕНГЗАЛАР...

ОБИД АКРАМХЎЖАЕВ

ХАЁТ САБОҚЛАРИ



Китоб жавонингизга

Яқинда Қомуслар Бош таҳририяти таниқли олим, ажойиб инсон Обид Акромхўжаевнинг «Ҳаёт сабоқлари» номли асарини олимнинг 75 йиллик таваллуди арафасида чоп этди. Китобни қўлга олар экансиз кўзингиз энг аввало унинг муқовасида акс этган қуёш ва катта дарахтга тушади. Ўз-ўзидан булар нимани ифодалайди, деган савол туғилади. Менимча, бу рамзий образлар муаллифга хос бўлган энг яхши инсоний фазилатларни ифодалайди. Обид Муродович қуёшнинг нуридек атрофидаги кишиларга ўзининг меҳр-шафқат, олижаноблик, дилкашлик, камтаринлик каби фазилатларини сочиб турадиган нуроний инсон. Шунингдек, у мевали дарахт каби геология фани соҳасида катта кашфиётлар қилган, элликдан ортиқ фан докторлари, номзодларни етиштириб, ўзининг мактабини яратган машҳур олимдир.

Китоб эсдаликлар шаклида ёзилган ва унда муаллифнинг хотирасида ўчмас из қолдирган воқеалар, умр йўлларида дуч келган, ҳаётда ўз ўрнини топишда қўмаклашган инсонлар тўғрисида, шунингдек дунё ва тарих ҳақидаги тасаввурлар, фикрлар, фалсафий мулоҳазалар баён этилган. Китобда ёзилишича, Обид ака ҳали бир ёшга тўлмаганда унинг отаси Чимкент вилоятидаги Турбат қишлоғидан Тошкентга қайтаётганида Қозигурт тоғлари орасида қароқчилар томонидан ўлдирилган. Шунинг учун ҳам фарзанд сифатида унинг қабрини мунтазам зиёрат қилиб туриш имконияти йўқ эди. Бу ҳолат эса, — дейди Обид ака, — ақлимни таниганимдан бери мени доимо руҳан эзар эди. «Наҳотки фарзандлик бурчимни ҳамма қатори бажара олмасам, наҳотки унинг муборк ҳоки бегона юртларда абадий қолиб кетса? — деб қаттиқ изтироб чекар эдим». Обид ака бир неча йил мобайнида отаси ҳокини излаб Қозигурт томон борди, лекин ундан ҳеч бир натижа чиқмайди. 1967 йилдагина тоғаси Азизхўжа ёрдамида отаси қабрини топиб, унинг ҳокини Тошкентга олиб келиб, «Минор» қабристонига дафн қилишга муяссар бўлади. «Қабр устига хотира тоши ўрнатиб, устига бронза ҳарфлар билан «Муродхўжа (Афандиқори) Акрамхўжа ўғли. 45 йилдан сўнг ҳокингизни қидириб топган яккаю-ягона фарзандингиздан» деган сўзларни ёздириб қўйдим», дейилади китобда. Ҳозир отаси ҳокини излаб, қабрини зиёрат қилиш у ёқда турсин, тирик отасига ҳам қадр-қиммат қилмаётганлар учун бу катта сабоқ-ку!

Асарда Обид ака фаолиятининг асосий қиррасини ташкил қилувчи— илмий изланишлар юритишнинг кашфиётларга эришиш машаққатлари ва изтироблари ҳақида ҳам кўп маълумотлар берилган.

Нафақат китобхонларнинг балки файласуф олимлар, зиёлиларнинг эътиборини ўзига жалб қиладиган яна бир муҳим масала — бу муаллифнинг олам, тарих ҳақидаги фалсафий тасаввурлари, дунёқарашидир. Асарда инсоннинг дунёқараши шаклланишида Ислом таълимотининг роли ҳақида алоҳида сўз юритилади. «Ислом таълимотидаги барча ҳодисалар инсон ақлидан ташқари, илоҳий куч муъжизаси, у барча жонзотлар, осмон жисмларини яратувчи ва уларнинг ҳаракатини ва тараққиётини бошқарувчи қудратли «илоҳий куч» дейилиши бежиз эмаслигини кўрсатиб турибди», — дейди муаллиф. «Хулоса шуки, кишиларда олам ҳақидаги дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланишида илм-фан билан бир қаторда диний таълимотлар ҳам катта ўрин тутишини ҳаётнинг ўзи очиқдан-очиқ кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар бўлганидек, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўймасдан, балки иккаласидан ҳам оқилона фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир», дейилади асарда.

Ўйлаймизки, ер остида пайдо бўладиган нефть, газ маҳсулотлари сирини чуқур англаган олимнинг барча жонзотлар ва осмон жисмларининг пайдо бўлиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига ҳам катта эътибор билан ёндошмоқ даркор. Асарда халқимиз тарихига оид қимматбаҳо маълумотлар ҳам мавжуд. Унда Спитамен, Тўмарис, Широқ, Муқанна каби қаҳрамонларнинг истилочиларга қарши олиб борган курашлари, «ўзбек» сўзининг келиб чиқиши, Амир Темурнинг тарихдаги ўрни, унинг Боязид билан олиб борган суҳбати, XIX асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида Ўрта Осиёга Россия томонидан қилинган юришлар, 1917 йилда Қўқон мухториятининг тузилиши ва унинг тарқатилиши ҳақида кўп материаллар келтирилган.

Кўриниб турибдики, китобда ёритилган масалалар адибнинг шахсий ҳаёти тўғрисидагина эмас, балки бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган — инсоннинг қадр-қиммати, таълим-тарбияси, ахлоқ-одоби, имон-эътиқоди, дунёқараши, элга, Ватанга вафодорлиги каби масалалар ўз аксини топган.

Жондор ТУЛЕНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

ҒАРОЙИБ «ҚЎРИҚЧИ»

Табиат ва биз

Лангар тоғларида оқ дори (кучала) деган ноёб ўсимлик ўсади. Унинг илдизи қатлама нон шаклида бўлиб, ўзининг шифобахшлиги билан машҳур. Тоғлик қарияларнинг айтишича, илдизидан тайёрланадиган талқон қонни тозалаб, танага бақувват кўч-қувват бағишлар экан. Оиламиз учун ҳар йили беш-олтита оқ дори ковлаб келадиган одатимиз бор. Афсуски, у йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Оқ дори лолага ўхшаб пиёзидан кўкаради. Айниқса, ноёб гўзал, рангдор, сулув ва митти жонзотлар ёки гиёҳлар дағал, баҳайбат тиканли, заҳарли, ваҳимали жонзот ва буталар паноҳи остида яшайди. Худди хазинани илон қўриқлагани каби. Оқ дори ҳам улкан арчалар тагида темир тиканли наъматаклар, дўланалар, бодомлар тагида яшайди. Бунинг устига ҳимоячи ўсимликнинг барглари кузда тўкилиб, қишда чириб оқ дори учун ўғит бўлади. Мен бир ҳовуч аланга тубига яширинган хазина — оқ дори қулчасидан ўмариб кетмоқ ниятида ўзим биладиган тоғ дарасига жўнадим. Ё тавба, ўтган йили кўрганларим бу йил йўқ. Авайлаб ҳар иккисидан бирини қолдирган эдим. Изимдан биров келгану ковлаб кетган. Тикандан қилинган ўтовдай ҳурпайиб турган бодомчалар тагини қарайман. ЙЎҚ-ЙЎҚ! Ҳафсалам пир бўлиб турганимда баланддаги бодомча ёнида катта харсанг тош устида тоштешар-хабарчи қуш безовта чирилларди. Бекорга эмас. Ўша томонга юрдим. Э, яшавор, тоштешар! У «кўрсатган» бодомча тагида нақд бешолтита «чироқ» ёниб турарди. Ўзиям ҳар қайсиси бир ҳовуч. Демак, катта-катта оқ дорилар тоштешарга раҳмат айтиб тиканларни у ёқ-бу ёққа суриб, энди битта оқ дорининг тагида темиртак пичоғимни узатганимни биламан нимадир ғўнғилладди. Теппага қарадим. Йўқ, ғўнғиллаш шу ердан чиқяпти. Ўзимни орқага олдим. Қарасам бошмалдоқдай келадиган қора ари мен томон йўл қидириб ғинғиллаётир. Воҳ, агар у чақсами бу кимсасиз тоғда ҳолимга маймунлар йиғлайди. Шиддат билан ўзимни пастга отдим. Қарасам — орқамдан келяпти. Қўймайди бу энди! Ҳали дорисини олиб улгурмаган эдим-ку! Боз устига кўкрагим очиқ, кўйлагим енгсиз. Сакраганда қалпоғим ҳам учиб кетган. Яна пастга сакрадим. Қиррали тошлар устига сакрашнинг ўзи бўладими? Оёқларим шилиниб кетди. Ари эса ниш ургани жой қидириб бошимда айланади. Ё тавба, қўлларим «лаганбардор» шамоллатгич парракларидай бош ва елкам атрофида айланиб арига йўл бермайди. Бирдан ўша қадимги ривоятда айтилган илонга одамнинг қони ширин эканлигини етказмоқ ниятида хабар келтираётганда тилини қалдирғоч чўқиб олган қора ари ёдимга келди. Бу ўша аламзада ари авлодидан. Энди чақмай қўймайди. Нима қилсам экан? Айтгандай, белимда белбоғим бор-ку! Тез ечдиму четидан байроқдай ушлаб айлантира бошладим. Барибир кетмаяпти. Кўнглимга бир фикр келди. Белбоғни шартта бошимга рўмол қилиб ёпиндиму ерга ўтириб олдим. Очиқ жойим қолмади ҳисоб. Ари эса менга барибир дегандай чор тарафдан ўзини уриб-уриб олаётганини сезиб турибман. Хайриятки, нишини уриб ололмаяпти. Салкам ўн дақиқадан зиёд ўтирдим. Қулоқ тутдим. Овоз йўқ. Қўрқа-писа атрофга қарадим. «Қўриқчи» кетганга ўхшайди. Аста ўрнимдан турдим. Юрагим қаттиқ урмоқда. Яна ўтириб нафас ростладим. Худога шукр, бир асради-я. Бўта тагидан қалпоғимни, бошқа жойдан темиртакни топиб олиб, қора ари қўриқхонасидаги тўп-тўп ёниб турган оқ дориларга ҳам боқмай жўнадим...

Ғ. РАҲМОНОВ.



Ўзбекистоннинг табиати зўр-да! Бошида — тоғлар соябон, пойида — гуллар гиргиттон...
Содиқжон МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси.

ҲИНД ХАЛҚИНИНГ ҲАЁТ ҚОМУСИ

Ҳар бир улкан дарё жилғадан бошланади. Жилғалар эса сервиқор тоғлардаги мангу қорликлар орасидан сизиб чиқувчи зилол томчилардан вужудга келади. Тоғ қанчалик юксак ва қорлари мўл бўлса, ўз-ўзидан маълумки, жилғалар ҳам шунчалик баракали бўлади. Жаҳон адабиёти ва маданияти хазинасига азал-азалдан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган буюк ҳинд халқининг қадим маданиятини ана шундай юксак тоғларга қиёс қилгимиз келади.

«МАҲОБҲОРАТ» достони эса ҳинд халқининг ҳаёт қомуси, бой тарихий ўтмишининг келажак авлодлар учун мерос қолдирган улкан йилномасидир. Тўғри, йилнома бўлиб унда муайян бир тарихий воқеанинг қайси йилларда кечгани ҳақида аниқ маълумот келтирилмайди. Лекин қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, катта-кичик барча воқеалар Дин ва Иймон кўзгусига солиб қаралган ва бадиий таҳлил этилган.

«Маҳобҳорат» достонини қомусий асар дедик. У ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Унда воқеалар бир-бирига шу қадар маҳкам чирмашиб кетганки, биронбир лавҳани бўлса-да унинг умумий «жисми»дан алоҳида ажратиб олиш амри маҳол. Бунинг ўзига хос муҳим сабаблари бор. Аввало, «Маҳобҳорат» яхлит асар сифатида минг йиллар оша ҳозирги давр ўқувчисига етиб келган. Қолаверса, бу достон композицияси халқ ҳаётидан кўра кўпроқ маъбуд ва илоҳлар ҳаёти асосига қурилган. Унда кўпхудоликдан яккахудоликка ўтиш ғояси устунлик қилади. Кўпхудолиликнинг сўнгги вакили бўлмиш маъбуд Кришна ўзини борлиқ эгаси деб эълон қилади ва шу билан бирга яккахудолик (Браҳма)ни ҳам тан олади.

Достон бундан уч-тўрт минг йил бурун ҳозирги Ҳиндистон сарзаминида вужудга келган Бҳаратлар сулоласининг таназзулга юз тутиши ҳақида ҳикоя қилади. Ердаги ҳар бир иш Осмоний кучлар амри билан содир бўлади деган ғоя асосида шоҳ Бҳарат ва унинг авлодлари маъбудлар паноҳида тасвир этилган. Бҳарат шоҳ бўлади. Кексаяди. Валиаҳд ташвиши туғилади. Одатга хилоф равишда у валиаҳдликка ўз ўғлини эмас, бунга ҳуқуқи бўлмаган бошқа шаҳзодани танлайди. Бунинг учун у хотинига асосли сабабларни пеш қилади. Бироқ қанчалик қудратли бўлмасин, шоҳ ҳам худонинг бандаси. Шундан кейин воқеалар тизими бошланиб кетади. Шантанунинг муҳаббати бу воқеалар йўналиши учун бамисоли йўлкўрсаткич вазифасини ўтайди. Ёрнинг ёрга вафоси, отанинг фарзандга меҳри, фарзанднинг отага садоқати, банданинг худо олдидаги бурчи, фуқаро ва шахснинг салтанат тақдирини ҳал этишдаги мажбуриятлари, хуллас, барча-барчаси улкан муаммоларга айланиб, достонга замин ҳозирлайди. Хастинапур доруссалтанати ана шу муаммолар пишиб етилган ягона маскан.

Тўғри, ўқувчи биргина доруссалтанат ичида содир бўлаётган кечинмалар шоҳиди бўлади. Бироқ тож-тахт учун талаш кетаётган Бҳаратлар хонадонидаги можаролар бу ер ва элнинг аҳволи не кечаётганидан дарак бериб турганини бир туйғу билан чуқур ҳис этиб турасиз. Шуниси қизиқки, бу хонадондаги парокандалик асосида энг юксак фуқаровий туйғу— ватан севгиси ётади. Гангазода Бҳишам шу олий туйғунинг жонли сиймоси тарзида гавдаланади. У Хастинапур салтанати учун ўзининг зурёд кўришдек буюк инсоний бахтидан воз кечади. Бҳишам бу онтни ўз Иймонининг ялови деб тушунади. Шу ялов остида бутун Хастинапур мамлакат ва унинг фуқароларини обод ва озод келажак сари бошлаб бормоқчи, эҳтимол тутилган сиёсий парокандалик ва бошбошдоқликнинг олдини олишга азму қарор этади.

Тахтга кўр Дҳритроштр эгалик қилади. Тўғри, у аввало жисман кўр— тақдир тақозоси билан иккала кўзи сўқир бўлиб дунёга келган. Лекин бунинг рамзий маъноси ҳам йўқ эмас. Ким бўлмасин ҳар қандай одам аввало худонинг бандаси. Банда гуноҳ ва қусурлардан холи эмас. Тахт соҳиби эса битта. Мадомики шоҳ бир киши бўлар экан, салтанати минг кучли бўлмасин, бир киши бир киши-да. Инсоннинг катта масъулият олдидаги ана шу заифлик жиҳатлари Дҳритроштр мисолида сўқир қилиб қўрсатилган. Шоҳга кўз бўлгувчилар эса Бҳишамдай зукко, адолатпеша, доно сиёсатчи эмас, балки Шакунийдек маккор, доғули, айёр кимсадир.

Шакуний шу пайтгача Хастинапур саройида ҳукм суриб келган Иймон ва Адолатга қарши осийлик ва макр ишларини бошлаб юборади. Хастинапур шу нуқтадан бошлаб ҳалокатли тус ола бошлайди. Шакунийнинг асл мақсади Хастинапур доруссалтанатидаги парокандаликдан фойдаланиб, ўзларининг «гўшти»ни ўзларига едириш ва тахтга ўзи эгалик қилиб олиш эди. Лекин бу ишни қийин қилиб турган икки зўр сабаб бор эди. Биринчиси, Шакуний Хастинапур доруссалтанатида ўз орзулари билан ёлғиз эди, шу боисдан ҳам у ёш Дурёдҳоннинг тезроқ катта бўлишини истар ва кечаю кундуз уни отасига қарши қайрагани-қайраган эди. Шакуний учун даҳшатли бўлган сабаб Хастинапур дорулсалтанати ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам Иймон ва Адолат яловини тутган оламшумул зотлар етилиб келаётганди. Булар Юдҳиштр бошлиқ ака-ука Пандузодалар ва Матҳура шоҳи Васудевнинг саккизинчи фарзанди Кришна эди.

Шу тариқа воқеа силсиласи бевосита Матҳура атрофида давом этади. Матҳура шоҳи Канс насл-насаб томонидан қадим Ҳиндистонда «девлар» деб ном чиқарган қабиладан келиб чиққан. Шу боис ҳам у ўз салтанати ва унга қўшни халқларга тинимсиз зулм ўтказиб келар эди. Авлиёлар кароматича, синглиси Девакийнинг саккизинчи ўғли унинг кунини битказиши керак. У барча жиянларини нобуд қилади. Барибир саккизинчи жияни Кришна (маъноси «қора» аталиб, чақалоқ онадан қоп-қора бўлиб туғилган эмиш) тирик қолади. Ҳинд илоҳшунослигида илоҳларнинг энг аълоси Индр деб айтилади. У турли замонларда, турли қиёфалардан бири Шри Кришнадир. Шунинг учун ҳам ҳиндларда Кришна нафақат пайғамбар, балки тўғридан-тўғри худо даражасига кўтарилган. Кришна ғоят камтар, самимий, қалби соф, олижаноб инсон, адолатли, инсофли, диёнатли ҳукмдор бўлган.

Маълумки, ҳар бир эътиқодли халқ учун энг азиз зот— бу Худо. Худо тимсолида у энг пок инсонни, тугал адолатни, оддий ҳақиқатни кўради. Ўзининг энг гўзал орзуларининг ушалишини Худо иродасига ҳавола этади. Ўзи яшаб турган жамиятда халқни оғир қийинчиликлардан рўшноликка олиб чиққан бирон фидойи раҳнамонинг жасоратлари ана шундай таъриф-тавсифларга яқин туриши мумкин. Йиллар, асрлар оша бу таъриф-тавсифлар мазмун жиҳатидан тобора чуқурлашиб боравердида охири илоҳий қиёфа касб этиб қолади. Ҳалиги улуғ зот сиймоси эса замонлар ўтган сайин унутилиб кетаётган бошқа воқеа-ҳодисалардан ажралиб узоқ тарих саҳифаларида бир ўзи намоён бўлиб туради. Жаноби Кришна худди шундай сиймолардан. У бутун ҳаётини бахшида этиб, Иймон ва Адолат яловбардори бўлади.

Муяссар МАҲМУДОВА,
Мўминжон ҲОШИМХОНОВ,
Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчилари.

ХАК-ХУКУКИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Мен қаҳрамон онаман. Шу фахрий унвон учун уйимга газ, электр учун ҳақ тўлашда имтиёзлар борми?

М. АБДУЛЛАЕВА,
Самарқанд вилояти.

ЖАВОБ: Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида Қаҳрамон оналарга газдан ва электрдан фойдаланишда имтиёзлар кўзда тутилмаган.

***

САВОЛ: 7 фарзандим бор. Ёшим 51 ёшда. Қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми?

Умидахон АКБАРОВА,
Хива шаҳри.

ЖАВОБ: Узбекистон Республикасининг пенсия ҳақидаги қонунига биноан сиз 5 ва ундан ортиқ фарзандларни 8 ёшдан ошиққача тарбиялаган ва ёшингиз 50 ёшга тўлган бўлса албатта қарилик пенсиясига чиқишингиз мумкин.

***

САВОЛ: Яқинда «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландим. Менга шаҳар транспортида юришда имтиёзлар борми?

Акбар МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: 1ёки 2 даражали «Соғлом авлод учун» орденига сазовор бўлган ҳар қандай фуқаро шаҳар транспортида, яъни трамвай, метро, автобус ва троллейбус хизматидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиши мумкин.

Забиҳилло МУҲАМАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

«Обуна — 96»

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«Туркистон матбаачиси» номи билан 1918 йилнинг 15 июлида дунё юзини кўрган «Ўзбекистон матбуоти» журнали мустақил мамлакатимизнинг қалам соҳиблари, телерадио журналистлари, ноширлари, матбаачилари, китоб савдоси ходимлари, шу кунларда таълим олаётган бўлажак журналистлар ва матбаачиларнинг, шунингдек, ишчи-деҳқон мухбирларнинг яккаю-ягона нашридир. Журнал тарихи ҳур диёримиз тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Журналнинг даврий нашрлар қаторида ўз ўрни, ўз мундарижаси, ўзига хос мавқеи бор. Унинг саҳифаларида газета-журнал таҳририятлари, телерадио журналистлар, ношир ва матбаачиларнинг, китоб савдоси ходимларининг қувончу ташвишлари, ўй-мақсадлари, бўлажак журналист ва матбаачиларнинг орзу-истаклари, ишчи-деҳқон мухбирларнинг хат-хабарлари, ҳаваскор ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари чоп этилаётир.

Мамлакатимиз ижодкорларининг Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, миллий мафкурасини шакллантиришга доир таклиф ва мулоҳазаларига, дил сўзларига журнал саҳифаларида кенг ўрин берилади. Миллий ахборот воситаларини равнақ топтириш, журналист кадрларни тарбиялаш сингари муҳим мавзулар атрофлича ёритилади. Айни чоғда бозор иқтисодиёти шароитида қаламкашлар, нашриёт-матбаа ходимлари дуч келаётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари қизғин муҳокама қилинмоқда.

Журнал саҳифаларида Ўзбекистон матбуоти ва матбааси тарихи, журналистикамиз тамал тошини қўйган фидойи забардаст қалам соҳиблари ҳаёти ҳамда ижодига оид туркум мақолалар берилиятпи. Бу шубҳасиз қадриятлар тикланиб, миллий анъаналар қадр топаётган чоғда жуда муҳимдир.

Азиз ҳамкасблар, матбуотимиз мухлислари, журналимизнинг энг яқин кўмакдошлари бўлмиш — ишчи-деҳқон мухбирлар! Айни кунларда журналга 1996 йил учун обуна қабул қилинмоқда. Журналнинг обуна баҳоси бошқа даврий нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган. **Бир йиллик обуна баҳоси — 60 сўм, 6 ойга — 30 сўм.**

Эслатиб ўтамиз, журналимизнинг индекси — 75323.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» журнали таҳририяти.

Маорифимиз фидойиларини эслаб

ҚЎШАЛОҚ ТЎЙ

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабда Ҳасанхон домла Исломов таваллудининг 125 йиллигига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Байрамга мазкур билим даргоҳининг 70 йиллик тўйи ҳам уланиб кетди.

Тантанани Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов очиб, йиғилганларни қўшалоқ тўй билан қутлади. Айни вақтда мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчиларига «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғаларини топширди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ҳам қатнашиб, маориф фидойиларидан бир гуруҳи бошқарманинг «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони ва пул мукофотлари билан тақдирланганлигини эълон қилди.

Тантанада мактабнинг собиқ ўқувчилари, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Йиғилиш қатнашчилари Ҳасан домла Исломов ва мактаб ҳаётига бағишланган кўргазмани ҳам томоша қилишди.

Юнус ЗИЁДОВ.

«Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорацияси-га қарашли 1-ун заводи «ҒАЛЛА» акционерлик жамияти

аҳолига ҳар жиҳатдан фойдали ва арзон нархда КЕПАК сотишни йўлга қўйди.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент ш, Ҳамза тумани, «Ташсельмаш» автостанцияси ёнида.
Телефон: 67-35-08.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «ДИН» тижорат фирмаси 1995 йил 14 октябрдан **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Қилмиш-қидирмиш

БИРОВНИНГ ҲАҚИГА ХИЁНАТ ҲАМ...

Жиззах вилояти Давлат солиқ хизмати ходимлари Ғаллаороллдаги «Семург» ҳиссадорлик жамиятининг Бахмал тумани «Тонготар» жамоа хўжалигидаги «Гулобод» қишлоғида жойлашган 20-дўконида нохуш ҳолатга дуч келдилар. Дўкон мудираси Нигора Ҳафизова харидорга хизмат кўрсатаётиб унинг ҳақидан 49 сўм уриб қолди.

Тўпланган ҳужжатлар Бахмал тумани ички ишлар бўлимига топширилди. Н. Ҳафизовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 187-моддасининг тегишли қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

КАМОМАД ҲАМ ЖИНОЯТ

Август ойи охирида солиқ хизмати ходимлари Бахмал туманидаги «Турон» ижарадаги жамоа хўжалигининг ёқилғи-мойлаш материаллари базасида ўтказган текширувда база мудири Эшназар Бобошев бензиндан 1411 литр, дизель ёқилғисидан 6006 литр камомадга йўл қўйгани аниқланди.

Тўпланган ҳужжатлар туман прокуратурасига топширилди. Э. Бобошевга нисбатан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

И. ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.

Тошкент Давлат университети геология факультети жамоаси университет проректори, петрография ва фойдали қазилмалар кафедрасининг мудири, академик Тўрабек Нуғмонович Долимовга онаси **Инобатхон ДОЛИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг катта ўқитувчиси Сотиболди Бобоқуловга онаси **Турсуной БОБОҚУЛОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0436.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.